


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Коррупцияга қарши курашиш**  
**агентлиги хузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**  
 **Ф.Отахонов**  
2026 йил 6 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**  
**хузуридаги Жамоатчилик кенгаши мажлисининг**  
**1-сон**

**БАЁННОМАСИ**

2026 йил 6 февраль

Тошкент

шаҳри

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:** Ф.Отахонов, И.Махмудов, Ф.Махмудов, Л.Атаева, Т.Турсунов, Н.Нортўраев, Ж.Усманов, Г.Бабаджанова, У.Мухаммадиев, Н.Ниязов, Ш.Полванов, Х.Эргашев, А.Юлдашев.

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:** А.Бурханов, У.Тухташева, Б.Бурханитдинов, И.Абдуллаев, Ж.Бешимов, З.Бойсинов ва бошқа агентлик ходимлари.

**КУН ТАРТИБИ :**

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025 йилдаги фаолияти тақдимоти.

2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида.

3. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2026 йилдаги устувор вазифалари тақдимоти. (Ҳаракатлар режаси, Қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш экспертизадан ўтказиш)

4. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари.

---

(Ф.Отахонов, А.Бурханов, Ж.Бешимов, Х.Эргашев, Л.Атаева, У.Мухаммадиев,  
Н.Нортўраев ва Ш.Полванов)

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши мажлисини Жамоатчилик кенгаши раиси **Ф.Отахонов** кириш сўзи билан очиб берди.

Шундан сўнг, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори **А.Бурханов** йиғилишда сўзга чиқиб, 2025 йилда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар, жумладан рақамлаштириш, очиқликни таъминлаш ва фуқаролик жамияти иштироки натижасида коррупция даражаси сезиларли камайганини таъкидлади.

Шунингдек, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш, Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси фаолияти ҳамда ички назорат тизимларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этгани қайд этилди.

Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори **А.Бурханов** томонидан жамоатчилик эшитувлари ва мониторинг тадбирларини ташкил этиш, давлат органларида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш ва экспертлик таклифларини тақдим этиш, Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академияси учун ўқув модулларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, ННТлар фаолияти ва ижтимоий буюртмалар натижадорлигини мониторинг қилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларида очиқликни таъминлаш бўйича жамоатчилик иштирокини кучайтиришда Жамоатчилик кенгашининг иштироки ва ролини янада ошириш юзасидан таклифлар берди.

## **1. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025 йилдаги фаолияти тақдими**

**Маърузачи:** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими - **Ж.Бешимов**

Тақдимотда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, Агентлик томонидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар, қўлланилган таъсир чоралари ҳамда ҳудудларни коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича ишлаб чиқилган йўл хариталари тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, Миллий кенгаш томонидан **8 та ҳудуд** ва **2 та вазирлик**да ўтказилган сайёр мажлислар, Агентлик томонидан тайёрланган **25 та** таҳлилий маълумотлар ҳақида сўз юритилди.

Маълумотга кўра, давлат харидлари соҳасида ўтказилган ўрганишлар натижасида **жами 673,3 млрд сўмлик 192 та харид**да қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Шу билан

бирга, очиқликни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик масалалари ёритиб берилди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ҳ.Эргашев – 2025 йилда коррупция билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби юзасидан савол берди.

Ушбу масала бўйича Агентлик масъул ходими Ж.Бешимов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупция билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида хабар берувчи шахсларга бугунги кунга қадар қўлланилган рағбатлантириш чоралари ҳамда мазкур тартибни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида.**

**Маърузачи:** Жамоатчилик кенгаши раиси - **Ф.Отахонов**

Маърузачи ўз чиқишида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари, жумладан, кенгаш аъзолари таркиби, 2025 йилдаги мажлисларида кўтарилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар ижроси, Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таҳлил ва таклифлар бериш фаолияти ҳамда аъзоларнинг ҳисобот йили давомида амалга оширган тарғибот-ташвиқот тадбирлари тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, Жамоатчилик кенгаш фаолиятининг 2025-йилда “Энг фаол жамоатчилик кенгаши” номинацияси доирасида эътироф этилганини ҳам таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир қаторда, Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган иш режаси кенгаш аъзолари ва тадбир иштирокчиларига таништирилди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари Л.Атаева, У.Мухаммадиев, Н.Нортўраев ва Ш.Полвановлар томонидан Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасида коррупцияга қарши курашиш бўйича долзарб устувор вазифалар ўрин олгани ҳамда уларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилдаги иш режаси бир овоздан маъқулланди.

### **3. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2026 йилдаги устувор вазифалари тақдироти тўғрисида.**

**Маърузачи:** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими - **Ж.Бешимов**

Маърузада Агентлик ходими Ж. Бешимов томонидан Агентликнинг 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалари, жумладан Ҳаракатлар режасининг асосий йўналишлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш борасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берилди.

### **4. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида.**

**Маърузачи:** Жамоатчилик кенгаши раиси **Ф.Отахонов**

Ф.Отахонов ўз чиқишида Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида Коррупцияга қарши халқаро конвенциялар талабларининг бажарилиши юзасидан нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида мониторинг ташкил этиш, коррупцияга қарши ижтимоий сўровларни ўтказиш ҳамда уларнинг методология ва концепциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари учун эълон қилинадиган грант ва ижтимоий буюртмалар мавзуларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жамоатчилик кенгаши раиси **Ф.Отахонов**нинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2026 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими **Ж.Бешимов**нинг Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025

йилдаги фаолияти тақдимот-маърузаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2026 йилдаги устувор вазифалари тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамоатчилик кенгаши раиси **Ф.Отахонов**нинг Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

4. Коррупцияга қарши кураш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг “2026 йилга мўлжалланган Иш режаси” тасдиқлансин.

5. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Жамоатчилик кенгаши:

5.1. Коррупциянинг олдини олиш кластери иштирокчиларининг маълумот ва таҳлиллари асосида Жамоатчилик кенгашининг жамоатчилик эшитуви ва мониторинги тадбирларини ташкил этиб борсин.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони ижроси асосида ишлаб чиқиш белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан экспертлик таклифларини тақдим этсин.

5.3. Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академияси учун давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик кенгашларининг иштироки мавзусида ўқув дастурини шакллантириш ва модуль ишлаб чиқилишига кўмаклашсин.

5.4. Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ННТлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган грантлар ва ижтимоий буюртма мавзулари рўйхатини шакллантириш бўйича таклифлар киритсин.

5.5. Давлат органлари ва ташкилотларида ходимларнинг одоб-ахлоқ, қоидаларига амал қилиши борасида фаолият юритаётган комиссиялар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳволини ўрганишни ташкил қилсин;

5.6. Коррупцияга қарши курашиш мавзусида ННТлар томонидан амалга оширилаётган ижтимоий буюртмалар натижадорлигини мониторинг қилишда иштирок этсин.

5.7. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маблағлар сарфланишида очиқликни таъминлаш механизми сифатида маҳалла ва жамоатчилик фаоллари иштирокида Ташаббускор гуруҳларни шакллантириш амалиётини жорий этишга кўмаклашсин.

**Котиб**



**Б.Бурханитдинов**